Салима РУСТАМИЙ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, филология фанлари доктори



ФОРС ВА ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА БАЛОҒАТ ИЛМИГА ДОИР АСАРЛАР

Ўрта асрларда араб тилида яратилган балоғат илмига доир асарлар араб, форс, туркий халқлар орасида кенг тарқалди, шуҳрат қозонди, форсий ва туркийда шу мавзудаги асарлар яратилишига асос бўлди. Булар қаторига Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг (XI аср) «Таржумону-л-балоға» («ترجمان البلاغة»), Рашидиддин Ватвотнинг (в.э. 1182/1183) «Ҳадойиқу-с-сиҳр фи дақойиқиш-шиър» («حدائق السحر في دقائق الشعر») , Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъу-с-санойиъ» («بدايع الصنايع») , Аҳмад Тарозийнинг (XIV – XV асрлар) «Фунуну-л-балоға» («فنون البلاغة») асарларини киритиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, бу асарларнинг ҳар бири таркиб ва тартиб жиҳатдан ўзига хос бўлиб, Юсуф Саккокийдан кейинги муаллифлар, албатта, унинг асарига қайта-қайта мурожаат қилдилар, ундаги маълумотларга нисбатан ижодий муносабатда бўлдилар.

Масалан, илмий фаолиятини туркий халқлар адабиётини ўрганишга бағишлаган И.В. Стеблева Ўрта Осиёда қорахонийларнинг ҳукмдорлиги, улар билан бирга ислом дини орқали араб тили ва ёзувининг кириб келиши (X аср ўрталари) туркий халқлар маданияти ривожи учун янги шароит яратганини таъкидлайди. У XI аср охирига келиб назмда шакл ва мазмун жиҳатдан ислом қадриятларига хос бўлган асар яратилганини ва туркий тиллар адабиётининг мумтоз даври бошланганини қайд этади. Бу давр ижодининг ўзига хос хусусияти айнан шу даврдан бошлаб асарларда вазн, қофия ва шеърий санъатларнинг араб-форс назариясига мувофиқ тарзда қўлланган билан характерланади[1].

Н.Ю. Чалисованинг таъкидлашича, форс тилида пайдо бўла бошлаган асарларда бадиий санъатлар таркиби араб тилидагиларидан фарқ қилган[2]. Д.Ф. Загидуллина айнан шу асарлардан Волгабўйи ва Уралбўйи ҳудудларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилгани; турк-татар адабиётининг назарий асослари шу асарларда экани; татарлар XX аср бошларигача бадиъга оид асарларда қўлланган истилоҳлар тизимидан фойдаланганлари, уларнинг адабиёт назариясига оид дастлабки китобларида форс назариётчилари ишлаб чиққан бадиий санъатлар тизими қўлланилганини ёзади[3]. Худди шу фикрларни МДҲ ҳудудида яшовчи барча туркий халқлар адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Форс тилида бадиий санъатларга бағишланган дастлабки асар – «Таржумону-л-балоға»ни Муҳаммад ибн Умар Родиёний яратди. Тарихий манбаларда Муҳаммад Умар Родиёний тўғрисида маълумотлар учрамайди. Муаллифнинг бизгача етиб келган ягона асари «Таржумону-л-балоға» асари тахминан XI асрнинг 80-йилларида ёзилган. Асар Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқу-с-сиҳр фи дақойиқи-ш-шиър», Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-удабо», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирату-ш-шуаро», Ҳожи Халифанинг «Кашфу-з-зунун», Лутфалибек Озарнинг «Оташкада», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Маж-

[1] Стеблева И.В. Тюркская поэтика. Этапы развития VIII-XX вв. – М.: Восточная литература, 2012. – С. 5-6.

[2] Чалисова Н.Ю. Рашид ад-Дин Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» // Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии / Пер. с перс. Н.Ю. Чалисовой. – М.: Наука, 1985. – С. 71.

[3] Қаранг: Загидуллина Д. Ф. Влияние средневековой арабской и персидской науки балягать на татарское литературоведение // Учен. Зап. Казан. Ун-та. Сер. Гуманит. Науки, 2008. Т. 150, Кн. 8. – Казань. – С. 50.

маъу-л-фусаҳо» асарларида тилга олинган[4].

«Таржумону-л-балоға»га 77 та санъат киритилган. Улардан иътироз, тафриқ, тафсир, илтифот, ташбиҳ, киноя, истиора, тансиқу-с-сифот каби бир қанча санъатлар таърифлари билан XX аср бошларидаги дарсликларга киритилган ва ҳозирги кунда ҳам мумтоз филологлар томонидан қўлланилади. Асар манбаи Марғиноний, Исфахоний ва Ибн ал-Муътазнинг араб тилида ёзилган асарлари бўлган[5]. Умар Родиёний ўз асарида назарий фикрларнинг исботи тариқасида, араб тилидаги асарлардан фарқли равишда, форс тилининг бадиий имкониятларини яққол кўрсатиб берувчи шу тилнинг ижод маҳсулларидан мисоллар келтиради. Олимлар бу асар форс тилида шу турда яратилган кейинги асарлар учун асос бўлганини таъкидлайдилар.

Форс тилида яратилган асарлардан яна бири «Ҳадойиқу-с-сиҳр фи дақойиқи-ш-шиър»[6] («Шеър нафосатининг сирли боғлари») рисоласидир. Унинг муаллифи Рашидиддин Ватвот (1080-1177), «тўлиқ номи Саъдилмулк Рашидиддин Муҳаммад бинни Муҳаммад Абдулжалил Умарий Котиб Балхий бўлиб, Ватвот адабий тахаллусидир. Ёқут Ҳамавий, Алоуддин Жувайний, Закариё Қазвиний ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг тарих ва тазкираларида у ҳақда маълумот бор»[7].

«Ҳадойиқу-с-сиҳр фи дақойиқи-ш-шиър» 55 бобдан иборат. Ҳар бир боб алоҳида бир санъатга ёки унинг турига бағишланган бўлиб, унда сўз санъати ёки турининг таърифи, таърифга изоҳ ҳамда арабча, сўнгра форсча мисоллар келтирилган. Муаллиф киноя, таъриз каби маъновий санъатларни тушириб қолдирган.

Ажам халқлари орасида балоғат илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган асар – Алишер Навоийнинг замондоши ва устози Атоуллоҳ Ҳусайний томонидан 1493 йил 9 февралида форс тилида яратилган[8] «Бадойиъу-с-санойиъ» («Бадиий санъатлар»)дир. Муаллиф бу асарини яратишда фақат араб балоғат илми олимлари фикрларига таяниб қолмай, форсийда мавжуд бўлган маълумотларни жамлади, тартибга солди, фикр ва қарашлари билан балоғат илмини ривожлантирди. Бу асарнинг ўзига хос хусусияти у ҳақда кенгроқ тўхталиб ўтиш имконини беради.

«Бадойиъу-с-санойиъ»да балоғат санъатларининг ўша давргача мавжуд бўлган форсий асарлар ва «Мифтоҳу-л-улум» ёки бошқа араб манбаларида учрамайдиган услубда таснифланиши унинг муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган хусусиятидир.

Атоуллоҳ Ҳусайний балоғат илмларини араб балоғатшунослари каби маъноний, баён ва бадиъ эмас, балки лафзий гўзалликлар, маъновий гўзалликлар, лафзий-маъновий гўзалликлар тарзида гуруҳлайди. Бу ҳақда у шундай дейди: «Нутқ гўзалликлари уч қисм била чекланур ул жиҳаттанким, ҳар гўзаллик ё фақат лафз гўзаллигидур, ё фақат маъно гўзаллигидур ёхуд лафзу маъно йиғиндисининг гўзаллигидур»[9].

Аввало, *al-muḥassinātu-l-lafẓiyya* (المحسنات اللفظية – лафзий гўзалликлар) ва *al-muḥassinātu-l-ma'nāwiyya* (المحسنات المعنوية – маъновий гўзалликлар) истилоҳлари араб балоғатида фақат унинг «бадиъ» қисмидаги санъатларга нисбатан қўлланганини таъкидлаш лозим.

Юсуф Саккокий лафзий санъатларга балоғатнинг бадиъ қисмига кирувчи тажнис, радду-л-ажз ила-с-садр, қалб, сажъ, тарсиъ санъатларини киритган бўлса, Атоуллоҳ Ҳусайний юқоридаги лафзий санъатлар қаторини бойитиб, мумосила, таштир, тасмит, тааттуф, ташриъ, тавшиҳ, макру ба азму наср, макру-л-луғатайн каби санъатларнинг ҳам таърифини беради.

Араб балоғатида маъновий санъатларга бадиъ қисмига кирувчи тибоқ, муқобала, мушокала, музоважа, лафф ва нашр, жамъ, тафриқ, тақсим, жамъ маъа тафриқ, жамъ маъа тақсим, жамъ маъа тафриқ ва тақсим, ийҳом, тавжиҳ, иститбоъ, илтифот ва бошқа санъатлар киради[10]. Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъатларни араб балоғатшуносларидан фарқли равишда икки турга бўлади ва бу ҳақда шундай дейди:

«Бу икки навъдур. Бири улдурким жамиъ араб фуқароси ва ажам шуароси қошида санойиъга кирур. Иккинчи навъи улдурким ажам шуароси қошинда санойиъ туркуми-

[4] Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 245.

[5] См.: Загидуллина Д. Ф. Тот же. – С. 50.

[6] رشيد الدين وطواط. حدائق السحر في دقائق الشعر. ترجمة إبراهيم أمين الشواربي ، تقديم أحمد الخولي ، المركز القومي للترجمة ، القاهرة ، ط ٢ ، ٢٠٠٩. ; Чалисова Н.Ю. Тот же.

[7] Болтабоев Ҳ. Ўша асар. – Б. 255.

[8] Олимов С. Навоийнинг шеършунос шогирди. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 5.

[9] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 34.

[10] Қаранг: أبو يعقوب يوسف السكاكي. مفتاح العلوم. مطبعة مصطفى النبابي الحلبي و أولاده بمصر. 1937. ص. 202-200.

диндур, аммо араб фусаҳосининг бари бир бўлуб, ани нутқнинг зотий гўзалликларидин деб ҳисоблаптурларким, анинг баёни маъоний илми ва баён илмининг вазифасидур, ва бадиийят санойиъидин деб ҳисобламаптурларким, анинг баёни бадиъ илмининг вазифасидур ... ул оризий гўзалликлардиндур»[11].

Ҳусайний шу қарашга асосланиб араб балоғатида «ал-муҳассиноту-л-маъновиййа» гуруҳига мансуб бўлган санъатларнинг айримлари, масалан, ийҳом, тавжиҳ, истибтоъ, илтифот, тафриқ, тақсим санъатларини биринчи турга киритади. Иккинчи турни Атоуллоҳ Ҳусайний ўзи таъкидлаганидек, араб балоғатида баён илми санъатлари деб ҳисобланадиган ташбиҳ, истиора, киноя ташкил қилади.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг балоғат санъатлари таснифи борасидаги яна бир муҳим янгилиги унинг калом гўзаллигига эришишда лафзий ва маъновий хусусиятлар биргаликда иштирок этувчи санъат турларини ажратиб алоҳида туркумга бирлаштирганидир. Араб балоғатшунослари бу санъатларнинг айримларини, масалан, мутобақа (тибоқ), тадбиж, муқобала, мароъату-н-назрни маъновий санъатлардан ёки тафвиф, музоважани лафзий санъат деб ҳисоблаган эдилар.

Шунингдек, «Бадойиъу-с-санойиъ»да бадиий санъатлар қаторида араб балоғатшуносларида учрамайдиган таажжуб, сеҳр-и ҳилол, тажозуб, таърих санъатлари таъриф ва мисоллар билан келтирилган.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг балоғат илми ривожига қўшган юксак хизматларидан яна бири, унинг ҳар бир санъатнинг мазмун ва моҳиятини ёритиб беришида намоён бўлади. Бу борада у араб ва ажам олимларининг таъриф ва тавсифларини диққат билан ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда моҳир балоғатшунос сифатида баҳс юритади. Мисол тариқасида сажъ ҳақида қуйидаги парчани келтириш мумкин: «Арабият аҳлининг бир тоифаси наздида насрға хосдур ва бу тоифа сажъни наср фосилаларининг охирғи ҳарфта мувофиқлиғидин иборат деб билиптурлар. Фосиладан мурод ул сўздирким, анинг туфайлидин калом қаринлари, яъни бўлаклари бир-биридин айрилиб турғай. Бу санъатта, қаерда зикр этилмасун, охирғи ҳарфтин мурод сўз ўзагидаги қофия равийси янглиғ амалда бўлған охирғи ҳарф ёки ўшул ҳарфқа ўхшаш ўзга бир ҳарфтур. Ўзга бир тоифа наздида назмда ҳам жорийдур. Бу тоифа икки гуруҳ бўлиптурлар. Бир гуруҳи дерким, сажъ хоҳ назм, хоҳ наср бўлсун, калом фосилаларининг охирғи ҳарфта мувофиқ келмағидур. Аъжам шуъаросининг баъзилари бу гуруҳ изидан бориптурлар. Иккинчи бир гуруҳ дерким, мазкур калом фосилаларнинг охирғи ҳарфта ёки вазнда мувофиқлигидин иборатур. Лекин фосиланинг охирғи ҳарфта мувофиқлиги, вазнда хоҳ мувофиқ бўлсун, хоҳ бўлмасун насрга хосдур»[12]. Асарда араб ва бошқа балоғатшунослар фикрларидаги ўхшашлик ва тафовутлар аниқ кўрсатилган, мавжуд назарий қарашлар ривожлантирилган.

«Бадойиъу-с-санойиъ»да санъатлар таърифи ва таснифининг араб олимлари асарларидан фарқ қилиши, таркибга янги санъат турларининг киритилиши балоғат илми мавқеини янада юксалтирди. Атоуллоҳ Ҳусайнийдан сўнг ҳеч бир олим бу каби асар яратмади.

Араб ва форс тилларида ёзилган бундай асарлар туркий халқларда ҳам катта қизиқиш уйғотди ва XV асрга келиб Шайх Аҳмад Тарозий туркийда бадиий санъатларга бағишланган «Фунуну-л-балоға»[13] («Балоғат санъатлари») (1436-1437) асарини яратди. У ўзидан аввалги олимлар билан баҳс юритмаса-да, бадиий воситалар таърифи ва уларнинг бир қанчасига келтирилган араб ва форс тилларидаги мисоллар унинг шу тилларда ёзилган балоғатга оид асарларга ҳам таянганини кўрсатади. Бу асар ҳақида уни «оддий бир илмий асар деб бўлмайди. У ўзбек тилидаги биринчи илмий асар, адабиётнинг назарий масалалари бўйича мукаммал бир қўлланма бўлиши билан бирга яна шеърий тазкира характеридаги бир асардир»[14] деган эди қўлёзма нусхаси Англияда сақланаётган «Фунун-л-балоға»нинг тадқиқи билан шуғулланган олим А. Ҳайитметов.

Асар муқаддима билан бошланади. Биринчи қисм шеър турлари ҳақида, иккинчи қисм қофия ва радифга бағишланган, учинчи қисм шеър санъатлари ва тўртинчи қисм аруз ҳақида (бу қисм тўлиқ етиб келмаган). «Фунун-л-балоға»нинг балоғатга оид учинчи қисмида бадиий санъатлар ва уларнинг таърифи махсус тасниф қилинмай тартибланган.

[11] Атоуллоҳ Ҳусайний. Ўша асар. – Б. 122.

[12] Атоуллоҳ Ҳусайний. Ўша асар – Б. 62.

[13] Асар ҳақида қаранг: Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. – Тошкент: Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил 18 март.

[14] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. А.Ҳайитметов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Хазина, 1996. – Б. 24.

Мисоллар асосан ўзбек тилида, ўрнига қараб форс ва араб тилларида берилган.

Турк олимлари Т. Карабей ва М. Аталай илк туркча балоғат китоби Исмоил ибн Аҳмад Байрамий Анқаравий (в.т. 1631/1041 ҳ.)нинг «Мифтоҳу-л-балоға ва мисбоҳу-л-фасоҳа»[15] («Балоғат очқичи ва фасоҳат чироғи») асаридир, дейдилар. Бу асар 218 саҳифадан иборат бўлиб, 1832 йилда Қоҳирада чоп этилган.

Туркча «Балоғат-и Усмонийя» («Усмонлича балоғат») китоби[16] Усмонли турк давлат арбоби, тарихчи ва ҳуқуқшунос олим ҳамда ёзувчи Аҳмад Жавдат Пошо (1822-1895) томонидан ёзилган бўлиб, биринчи бор Истанбулда 1881 йилда нашр қилинди. «Балоғат-и Усмонийя»нинг тузилиши араб олимлари услубига мос бўлиб, дебоча, муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат. Муқаддимадан фасоҳат, балоғат, калима фасоҳати, танофур-и ҳуруф, матн каломи каби масалалар ўрин олган. Биринчи боб маъоний илмидаги каби «калиманинг муқтадо-йи ҳолга мутобақати ҳақида» бўлиб, ўз ичига муқаддима ва етти фаслни олади. Бу фасллар: 1) аҳвол-и муснад илайҳ баёнида; 2) аҳвол-и муснад баёнида; 3) мутаммимот-и жумла баёнида; 4) иснод-и хабарий баёнида; 5) иншо баёнида; 6) алфознинг атфу рабтига доир; 7) ийжоз ва итноб ҳақида. Иккинчи боб ҳам муқаддима билан бошланади ва баён илмидаги каби мажоз-и ақлий, мажоз-и мурсал, ташбиҳ, истиора ва киноя баёнларидан иборат беш фаслни ташкил этади. Учинчи боб бадиий санъатлар ҳақида бўлиб, унинг аввалги фаслида маъновий, иккинчисида лафзий санъатлар, учинчи фаслда қўшимчалар, сўнгги фаслда тарих санъатига доир маълумотлар берилган. Асарда кўрилган барча масалалар Усмонли туркчасига татбиқ этилган, шунга кўра мисоллар ҳам туркча, зарур ўринларда арабча келтирилган. «Балоғат-и Усмонийя» 1881 – 1910 йиллар ичида етти марта нашр қилинган. Бу асарга Ҳожи Иброҳим Афанди шарҳ[17] ёзган ва уни 1884 йилда нашр қилган.

Араб тилида мавжуд бўлган тил ҳодисалари билан боғлиқ имкониятлар воситасида ҳосил бўлувчи балоғат илмининг назарий асослари шу тариқа шаклланди, бошқа шарқ мусулмон халқлари орасида машҳур бўлди.

Балоғат илмининг ривожи шарқ халқлари, жумладан, форс ва туркий халқлар ижодига ҳам ижобий таъсир кўрсатди ва ўрта асрларда бу илм қоидаларига асосланиб, унинг санъатларини моҳирона қўллаган ҳолда яратилган кўплаб адабий асарлар ёзилди. Туркийда ижод қилган мумтоз адабиёт намояндаларининг бадиий асарлари орқали уларнинг балоғат илмини жуда яхши ўзлаштирганларини кўрамиз. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодига берилган баҳо яхши мисол бўла олади: «Албатта, Бобур ғазалларида, ҳатто мавзулар бир хил бўлган тақдирда ҳам турли тимсоллар ҳисобига хилма-хилликка эришилгани унинг барча мумтоз давр туркийзабон шоирлар каби анъанавий образларни араб ва форс классик шеъриятидан олганини инкор қилмайди. Бу даврда ижод қилган ҳар бир шоир нимани нима билан қиёслашни жуда яхши билган»[18].

Бу асарларда тил қоидаларига қатъий риоя қилиш билан бирга бадиий санъатлардан ҳам усталик билан фойдаланилган. Чунки балоғат илми асарда тил қоидаларига риоя қилинган бадиий воситаларнинг бир-бирига салбий таъсир кўрсатмаслиги, ортиқча сўз ва гап бўлакларини тушириб қолдириш ҳисобига мўъжазликка эришиш, оз сўз билан кўп маъно ёки оз маънони тафсилотлар билан ифодалашни ўргатади.

«Бадиий асарда ҳақиқат ҳам, унинг ифода воситалари ҳам бадиий тус олади»[19]. Бу борада биргина Алишер Навоийнинг ҳам насрда, ҳам назмда ёзилган деярли барча асарларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Балоғат илми нафақат бадиий, балки асрлар оша яшаб келаётган фалсафий ва дидактик асарларни яратишда ҳам муҳим асослардан бири саналган. Чунки балоғат илми асарларда ижтимоий аҳамиятга молик юксак фикрларни олий бадиий шаклда бера олиш имконини яратувчи омиллардан биридир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтмиш олимлари ва адиблари асарларини машҳурлик даражасида яратишларига хизмат қилган балоғат илмига оид манбалар ўзбек олимлари томонидан махсус ўрганилмаган.

[15] Ahmed Cevdet Paşa. Belâğat-ı-'osmâniyye. Hazırlayanlar T.Karabey, M.Atalay. Akçağ, 2000. – S. VII; Ülken F. İsmâîl-i Ankaravî'nin Miftâhü'l-belâga ve Misbâhü'l-fesâha'sindaki istilahlar // Uluslararası Sosyal Araştırmalar Dergisi. Cilt: 9 Sayı: 43. Nisan 2016. –S. 467-477.

[16] Ahmed Cevdet Paşa. Aynı kaynak.

[17] Dağlar A. Haci İbrâhim Efendi'nin «Şerh-i belâgat»i (metin) // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. Volume 2/4 Fall 2007. – Ankara. – S. 322.

[18] Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – М.: Наука, 1982. – С. 43.

[19] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 30-31.